*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**26 март**
ЧОРШАНБА
**№ 25** (12661)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Байрам шукуҳи

## ҲАР ГЎШАДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

**Чирчиқ шаҳридаги Кимёгарлар истироҳат боғида ташкил этилган Наврўз байрами иштирокчиларининг тилию дилида эзгу ният, чеҳраларида тинчлик, ободлик, озодлик нашидаси. Алалхусус, эркин ижод, завқли меҳнат самараларидан кўнгиллар чароғон. Пештоқига "Наврўзи олам муборак бўлсин!" деб ёзилган боғ шундай бахтиёр одамлар билан гавжум. Улар бугун миллий қадриятларимиз ифодаланган байрам кўргазмасида инсоний туйғуларга йўғрилган ижод намуналарини намойиш этмоқда.**



Миллий маданий марказлар тақдим этган концерт дастурида бағрикенглик, дўстлик, меҳр-оқибат тароналари янграмоқда. Майдонларда миллий ўйинлар, спорт усталарининг чиқишлари, дастурхонларда баҳорий таомлар...

Шундай байрам шодиёналари Оҳангаронда ҳам ўзига хос тарзда ўтказилди. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ифодаланган кўргазма намойишию, шўх-шодон куй-қўшиқлар авжидан санъатга ошуфта қалблар қувончи чексиз. Зеро, таниқли фольклор жамоалари, хушовоз хонандалар, эл севган санъаткорлар оҳангаронликларнинг фахри, ғурури. Ишбилармон ва тадбиркорлар, фермер ва ҳунармандлар тақдим этган жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари байрамнинг серфайз, тўкин-сочин ўтишини таъминлади.

**Сайёра РИХСИЕВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Маънавият

**Жамият ҳаётида жиддий янгиланишлар содир бўлаётган, миллий уйғониш ҳодисаси юз берган бир тарихий шароитда мафкуравий иммунитет танқислиги кўзга яққол ташланади. Фуқароларда ғоявий курашчанлик фазилатлари тақчиллиги сезилади. Тобелик, мутелик руҳияти ялпи жамиятни қамраб олгани сабабли янгиликни ўз навбатида англаш қийин кечади. Бу эса миллий тараққиётга салбий таъсир этади. Шунинг учун ҳам Президентимиз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ғоявий чиниққан, мафкуравий жиҳатдан собит фуқаролар жамиятини шакллантиришга катта эътибор берди.**

## МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Воқеа-ҳодисаларга бефарқлик, жамият ишига аралашмаслик, ўз истиқболига ва иқболига лоқайдлик ҳар қандай одамнинг инсоний имкониятларини чеклаб қўяди, натижада фаол ҳаётий позиция барҳам топади, кишида руҳий синиқлик, маънавий тушкунлик, тобелик ва мутелик иллатлари чуқур илдиз отади. Шундай жиддий маънавий-ижтимоий ҳолатни назарда тутиб, донишмандлардан бири: "Душманингдан қўрқма, зўр бўлса, сени ўлдиради. Дўстингдан қўрқма, манфаат тўғри келганда сенга сотқинлик қилиши мумкин. Лоқайдлар ва бетарафлардан қўрқ. Улар мавжуд экан, ҳаётда ўлим билан сотқинлик яшайверади", деган эди. Айнан шу лоқайдлик ва бетарафлик, воқеа-ҳодисаларга муносабат билдирмаслик иллатлари миллий тараққиёт кушандаси, жамият ривожланишининг хатарли тўсиғи ҳисобланади. Кучли мафкуравий иммунитетга ва ғоявий курашчанлик фазилатларига эга бўлган ҳар қандай шахс бундай иллатлардан фориғ, жамиятда ўрни ва мавқеига эга бўлган инсон сифатида ўзини намоён этади. Бизнинг вазифамиз шундай маънавий қудратли, ахлоқий баркамол, маърифий юксак савияли, ўзини, ҳаётини, оиласини ва яхлит жамиятни асрай биладиган, ҳимоя қила оладиган, уни ривожлантиришга қодир бўлган шахсни етиштиришдан иборат.

Оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаёт ва тарихий жараён моҳиятини кескин ўзгартирмоқда. Бу борада, айниқса, бугун "сариқ матбуот" деб аталадиган хусусий нашрлар алоҳида мавқе эгалламоқда. Майда, икир-чикир, ғийбатнамо хабарлар билан тўлиб-тошган, одамларни фикрлашдан, мушоҳада юритишдан тўхтатиб, енгил-елпи маълумотлар билан улар онгини банд этиш жараёни тобора чуқурлашиб бормоқда. Қайсидир машҳур хонанданинг оилавий можаролари, унинг бойликлари ва яшаш тарзи, бошқа бир хонанданинг қандай клиплар яратаётганию уларни қайси тарзда намойиш этиши ҳақидаги хабарлар газетхонларни майда фикрлайдиган, ожиз кишига айлантириб қўйиш билан бирга яхлит жамиятни оммавий саводсизликка даъват этишдек ғоят хатарли вазифани бажармоқда.

Албатта, сўз ва фикр эркинлиги турмуш тарзимизга айланиб бормоқда. Бу жамиятимиз маънавий қиёфасини, инсоннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги қадрият эканини кўрсатадиган буюк воқелик. Бироқ, ана шу эркинлик, айтилаётган сўз, билдирилаётган фикр, илгари сурилаётган ғоя учун жавобгарлик кимнинг зиммасида? Миллатни жаҳолатга, ялпи саводсизликка, хурофотга даъват этиш демократиянинг буюк қадрият сифатидаги моҳиятини тушириб юбормайдими?

Биз демократик тамойилларни тобора чуқурлаштириб бориш, унинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлиги хусусида кўп гапирамиз. Бу, шубҳасиз, ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг эҳтиёжидир. Эркин жамият, озод ва ҳур инсон турмуш тарзини вужудга келтириш бизнинг стратегик мақсадларимиз. Сўз ва фикр эркинлиги ҳамиша биз учун эҳтиёждир. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, матбуот, сўз ва фикр эркинлигини таъминлашга интиламиз. Бироқ айтилаётган ҳар қандай сўз, билдирилаётган ҳар қандай фикр жамият тараққиётига қай даражада дахлдор? Умуммиллий манфаатларга хизмат қиладими? Буни баъзан унутамиз. Ваҳоланки, эркинликни ҳис қилиш, озодликни тушуниш ҳамда демократияни англашдан олдин унга қай даражада маънавий-ахлоқий жиҳатдан тайёрлигимизни ҳисобга олмаймиз. Натижада озодлик ва демократия миллий маданият равнақига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ғоятда хавфли ҳодисага айланади.

*(Давоми 2-бетда).*

Семинар

## ЯНГИ ҚОНУН МОҲИЯТИ

**Вилоят ҳокимлигида табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, "Экоҳаракат", қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамкорлигида "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуннинг моҳияти ҳамда аҳамиятига бағишланган семинар ташкил этилди.**

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этишди.

– 27 моддадан иборат Қонуннинг моҳияти экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг мазкур соҳага оид фаолиятини мувофиқлаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда соғлиқни сақлашга қаратилган муҳим давлат дастурлари ижросини қонуний таъминлашдан иборат, – деди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ғайрат Муҳамедов. – Қонун атроф-муҳитни муҳофаза қилишни такомиллаштириш, аҳоли саломатлиги учун янада қулай шароит яратишга хизмат қилади.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА.**

## МЕҲР-ОҚИБАТ ИФОДАСИ

**Вилоят биринчи сил касалликлари шифохонасида "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ЎзХДП вилоят кенгаши ва вилоят Қизил ярим ой жамияти ҳамкорлигида "Наврўз – меҳр байрами" мавзуида хайрия тадбири ўтказилди. Беморлар учун файзли дастурхон тузаб, Наврўз таомлари ва ош тарқатилди.**

Тадбир якунида туманнинг "Оқибат", "Соҳибкор" маҳаллаларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга, кўзи ожизлар, ёлғиз кексалар, сил касалликлари шифохонаси ходимлари ва беморларига байрам совғалари улашилди.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида "Саломатлик кунлари" ўтказди.**

## САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ

Тадбирларда шаҳар ва туман таълим муассасалари ўқувчилари, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар ва ёлғиз кексалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларга жамғарманинг тиббий ижтимоий патронаж гуруҳининг малакали мутахассислари хизмат кўрсатишди.

"Саломатлик кунлари" доирасида аҳолига бепул дори-дармон ва гигиена воситалари ҳам улашилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## БОЗОРДАН БОЗОРНИНГ ФАРҚИ БОР!

**Қадимдан қолган гап борки, бирор ҳудуд аҳли ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун аввал бозорига, сўнг мозорига бориш керак. Обод юртнинг, ўзига тўқ элнинг бозори тўкин-сочин ва гавжум, қабристони тартибли ва озода бўлади. Ўзини ҳурмат қиладиган миллат бозор ва мозорини яшнатиб қўяди.**



Бўка туманидан бир-икки меҳнат фахрийлари таҳририятга қўнғироқ қилиб, марказий бозорларини мақташди. "Мақтаганнинг тўйига бор, кериланнинг уйига" деганларидек, шу бозорни бир кўргимиз келди.

Бўкаликлар марказий бозорларини "Истиқлол" деб аташибди. Яхши ният-да. Бозорга яқинлашишимиз билан радио карнайи ишга тушди: "Ҳурматли сотувчи ва харидорлар! Аввало, маҳсулотлар нарх-навоси хусусида белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилинг, баҳоларнинг сунъий оширилишига йўл қўйманг. Олди-сотди жараёнларида бир-бирингиз билан хуш муомалада бўлинг, расталарни, ён-атрофингизни озода ва тартибли сақланг. Бозор мулкига ўз мулкингиздек муносабатда бўлиб, авайлаб-асранг". Сухандоннинг гапириш оҳанги бизга маъқул бўлди. Сўзнинг таъсири биринчидан, мазмунга қанчалик боғлиқ бўлса, талаффузнинг ёқимлилиги ҳам шунчалик муҳим.

Деҳқон бозори раҳбарининг муовини Рустам Ҳожиев билан расталарни айландик. Ҳамроҳимизнинг айтишича, расталар 976 та экан. Шунга қараб, "Истиқлол"ни вилоятимизнинг хийла йирик деҳқон бозорларидан дейиш мумкин. Келиштириб солинган учта айвон бозорга кўрк бериб турибди. Алоҳида гўшт павильони ҳам анчагина катта. Бозор мажмуасига кирувчи 220 та савдо дўкони харидорлар хизматида. Айтишларича, яна 70 таси қурилаётган экан. 53 та юк аравачалари тинимсиз ҳаракатда. Олти жойга назорат тарозиси ўрнатилган экан. Лекин, негадир, олган нарсасини текшираётган харидорлар жуда сийрак. Харидорлардан бирига юзландик:

– Олган нарсангизни нега назорат тарозисида текшириб кўрмаяпсиз?

– Кунда-кунора бозорга кириб тураман, бизда тарозидан урувчилар йўқ ҳисоби.

– Бозор ўз номи билан бозор, – дейди Рустам Ҳожиев. – Кун бўйи сотувчию олувчилар тўзиган ари уясидек, бири келиб, бири кетиб туради. Тасаввур қилинг, 172 та фермер хўжалиги билан шартнома тузганмиз. Улар маҳсулотларини бозоримизга мунтазам етказиб туришади. Эрталаб чиннидек тоза бўлган расталарда тушга бормай, чиқиндилар пайдо бўлиши табиий. Гап чиқиндиларни узоқ қолдирмай, йиғиштириб олишда қолган. Биз шунга ҳаракат қилаяпмиз. Яна битта камчилигимиз – электрон тарози масаласи. Ҳозир ишлатилаётгани 43 та. Бу кам. Шу йилнинг ўзида бозорларимизни юз фоиз электрон тарози билан таъминлаш ҳаракатини қилаяпмиз.

Гапнинг индаллоси шуки, бозорнинг эгаси бор. Ҳар ҳолда маъмурият ишлаяпти, интилаяпти, изланаяпти. Вилоят ҳокимлик соатларида "Истиқлол" каби бир мунча озода, тартибли бозорлар ҳам тилга олинади, ибрат қилиб кўрсатилади, тажрибалари очиб берилади. Лекин, афсуски, улардан ибрат олиш ва тажрибаларини ўрганишда оқсоқлик, ҳафсаласизлик, лоқайдлик бор.

Масалан, шу кунларда Ғазалкентдаги деҳқон бозорига яқинлашмаёқ нохуш манзараларга дуч келасиз. Атрофдаги ариқлар ҳалигача тозаланмаган, қишдан қандай чиққан бўлса, шундай турибди.



Бозор теграсини айланиб, орқа дарвозага рўпара бўлдик. Икки киши шу очиқ ерда сариёғ сотишяпти.

– Неча сўм? – гўё сариёғга харидор бўлдик.

– Килоси тўрт минг.

Ана холос! Бу қандай сариёғ бўлдики, ўртача нархидан уч-тўт баравар арзон турса?! Истеъмолга яроқлимикин ўзи бу маҳсулот?

Дарвоқе, бу масала туман санитария ва эпидемиология маркази ҳамда солиқ инспекцияси ваколатларига тегишли, ўзлари аҳволни ўрганиб, қонуний ажрим чиқаришар. Бизнинг вазифамиз эса вазиятни кўздан кечириб, шунчаки, мутасаддиларнинг юзига кўзгу тутиш.

Бозор ичкарисига кириб, кайфиятимиз янада бузилди. Умуман айтганда, бозорда тартиб йўқ. Маҳсулотларнинг турига қараб, алоҳида расталар ажратилмаган, ҳаммаси аралаш-қуралаш. Сотувчилар ёғиндан паналаниш учун ўзларича ясаб олган "бошпана"лари бозорни "безаб" турибди. Бири бесўнақай, қийшайган, иккинчиси қўпол, хунук. Кўпининг устига ёпилган турли матолар сурилиб, йиртилиб, осилиб ётибди.

Бозорни ортиқча айланишга хушимиз бўлмади. Бирор раҳбарга учраб, нима гаплигини билмоқчи эдик, бу уринишимиз ҳам чиппакка чиқди. Айтишларича, бозор раҳбарини шу бугун ишдан олишган экан. Бир ҳисобдан тўғри бўлгандир. Бозорни шу аҳволга солган одамни бу жиддий лавозимда ушлаб туришдан нима наф?

Бозор ва мозор элнинг юзи дедик. Аммо, икки бозордаги икки хил манзарани кўриб, фикримизни бироз ўзгартирмоқчимиз. Бир-иккита бозордаги хунук манзара элнинг юзини белгиламаса керак. Бу – аслида бозор мутасаддиларининг юзи. Ахир, улар жон койитмайдиган сояпарвар, масъулиятсиз, лоқайд бўлишса элда нима айб?

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**Даврон АҲМЕДОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

Қўшма корхоналарда

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Республика Президентининг "Ангрен махсус индустриал зонаси"ни ташкил этиш тўғрисида"-ги Фармони шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Бу муҳим ҳужжатда белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, қатор лойиҳалар асосида хорижий ҳамкорлар иштирокида улкан бунёдкорлик ишлари бошланди.**

Чет эл инвестицияларини киритиш учун ҳукуматимиз белгилаган имконият ва имтиёзлар хорижлик ишбилармонларнинг шаҳарга бўлган қизиқишини янада оширмоқда. Яқинда вилоят ва Ангрен шаҳар ҳокимликлари ташаббуси билан Корея давлатининг 43 та йирик компания ва фирмалари ишбилармонлари "Ангрен махсус индустриал зонаси" ҳудудларида барпо этилган "Angren shakar zavodi", "Egl-nur", "Uz-shindong silicon" қўшма корхоналари, "Angren quvur zavodi" унитар корхонаси фаолиятлари билан танишдилар.

Ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб "Ангрен махсус индустриал зонаси"да Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли, йилига 8 минг тонна мис қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга "Angren quvur zavodi" корхонаси ишга туширилди.

– Корхонамиз фаолият бошлаши муносабати билан 295 киши иш билан таъминланди, – дейди корхона раҳбари Музаффар Маматқулов. – Уларнинг кўпчилиги олий ва ўрта махсус маълумотга эга ёшлар. Маҳсулотнинг асосий қисми чет элга экспорт қилинади. Хитой ва Швеция каби йирик давлатлар билан шартномалар тузилган. Энг асосийси, мис қувурларига саноатда талаб катта. Хусусан, улардан совутгичлар, иситиш тизими, автосаноат ва бошқа ишлаб чиқариш жабҳаларида кенг фойдаланилади.

Кореялик меҳмонлар "Ангрен Логистика маркази" ЁАЖ ҳамда Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигида ташкил этилган "Egl-nur" қўшма корхонасида бўлиб, ишлаб чиқарилаётган энергияни тежовчи лампалар ва уларнинг кўча ҳамда йўлакларга ўрнатишга мўлжалланган турлари билан танишдилар.

Хорижлик меҳмонлар иштирокидаги давра суҳбатида "Ангрен махсус индустриал зонаси" бўйича тайёрланган янги лойиҳаларнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**Гулшода ШАХОНОВА.**

# МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Маълумки, ҳар қандай санъат асари миллат руҳининг кўзгуси, қалб туғёнлари ва ҳис-туйғуларининг ифодаси. У айни ана шу жиҳати билан ҳам қадриятга айланади. Қадриятлар эса ҳамма вақт моддиятдан устун туради, муқаддас ҳисобланади. Афсуски, бугун қўшиқчилик санъати моддий эҳтиёжлар мезонига, нафсни қондириш омилига айланди. Авж олиб кетаётган "шоу-бизнес" тадбиркорликнинг ҳар қандай шаклидан кўра енгил, солиқ тўланмайдиган, мўмай даромад манбаи бўлиб қолди. Бозорларда, аҳоли гавжум жойларда турли-туман беҳаё кассеталар ва дискларнинг сотилаётгани назорат қилинмаяпти. Ачинарлиси шундаки, айрим ёшларимиз уларга кўр-кўрона эргашмоқда, ибрат олмоқда.

Бугун комил инсонни тарбиялаш, баркамол шахсни шакллантириш борасида кенг миқёсли ишларни амалга оширар эканмиз, биз бевосита ҳар бир инсон қалбидаги ана шу нуқтани мўлжалга олмоғимиз лозим. Мафкуравий иммунитет ёки ғоявий курашчанлик фазилати бизнинг назаримизда худди шу нуқтада жойлашган. Кимдир уйғоқ, курашчан, беҳаловату безовта бўлса, кимдир мудроқ, танбал, бефарқ ва лоқайддир. Бизнинг вазифамиз шу мудроқ иммунитетни уйғотиш, шакллантириш асосида жамият ишига дахлдор, миллат тақдирига тақдирдош, Ватан истиқболи учун жавобгар шахсни шакллантиришдан иборат.

Мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик фазилатлари асосан тўрт йўналишда ўз ифодасини топади. Улар, энг аввало, огоҳлик, ҳушёрлик, сезгирликни тақозо этади. Шундай хислатли киши оламга бефарқ қарамайди. Атроф-муҳитни зийраклик билан кузатади. Бунинг учун, албатта, етарли даражада билимга, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри тушуниб, баҳолай билиш салоҳиятига эга бўлмоқ лозим. Етарли даражадаги билимни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда аниқ мақсадга эгалик ҳислари шакллантиради. Демак, мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик фазилатлари шу тарзда шаклланади ва кишини аниқ мақсадга йўналтириб, ўзининг барча имкониятларини сафарбар этишга, курашчанликка олиб келади.

Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишнинг асосий кўринишлари, энг аввало, юрт тинчлигини сақлаш, тарихий хотирага эгалик ҳисси, Ватанга садоқат, ўзликни англаш туйғуларида аксини топади. Бундай фазилат мустақил фикрлайдиган, ўз куч ва имкониятларига қатъий ишонадиган,ислоҳотлар моҳиятини чуқур тушунган ва мустақилликни олий қадрият даражасида англаган одамдагина пайдо бўлиши мумкин. Бундай шахс: "Шу Ватан меники, Ватан бу – мен. У менинг шаъним, ориятим, мавжудлигим, қадру қимматим. Чунки шу Ватанда, шу азиз тупроқда аждодларим хоки ётибди, уларнинг муқаддас руҳи менинг жисмимда, жонимда, қонимда яшаяпти, уни асраш, авайлаш ва келгуси авлодга бус-бутунлигича етказиш менинг ўтмиш аждодларим олдидаги бурчим, келгуси авлодлар олдидаги муқаддас вазифам", деган фикр билан яшайди.

Маълумки, ахборот хуружи авж олаётган бир пайтда тингловчини ҳайратда қолдириш осон эмас. Хусусан, талаба ёшларнинг кенг имкониятларини, интернет тизимидан фойдаланишга бўлган катта қизиқишини назарда тутсак, ғоявий-тарбиявий ишларда ҳозиржавоблик, бугуннинг гапини айта олиш, долзарб муаммоларга объектив ёндоша олиш, тингловчини бунга ишонтира билиш алоҳида тайёргарликни ва қобилиятни, юксак билимни тақозо этади.

Фикрларимиз аниқ, лўнда, тингловчи онгига тез кира оладиган, қалбини забт эта биладиган бўлмоғи лозим. Ҳозирги тезкор ва шиддатли замон таъсирида шаклланаётган ёшлар руҳиятини эгаллаш учун қисқа, аниқ, лўнда ва исбот талаб қилмайдиган хулосалар билан минбарга чиқиш самара бериши мумкин, холос.

Бу ўз-ўзидан жуда катта билим, замонавий жараёнлардан хабардорлик ва улар моҳиятини чуқур тушуниб, мавжуд фикр ва хулосаларни етарли даражада жозибадор қилиб етказа олиш тажрибасини тақозо этади. Демак, нотиқлик санъати, сўз жозибаси муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Нарзулла ЖЎРАЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Қарор ва ижро

# НАВБАТДАГИ МУҚИМ ИШ ЎРИНЛАРИ

**Республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ошириш дастури тўғрисида"ги Қарори вилоятимиз иқтисодиёти барқарор ривожланишини таъминлаш, рақобатбардошлигини ошириш, таркибий ўзгартишларни чуқурлаштириш ва тармоқларни диверсификациялашда муҳим омил бўлаётир. Ушбу қарорга асосан, вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида муайян режа асосида белгиланган вазифалар изчил рўёбга чиқарилмоқда.**

Олмалиқ шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Нуруллахон Қуддусов "Тошкент ҳақиқати" мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Президент Қарори ва вилоят ҳокимининг топшириқлари ижросини таъминлаш учун шаҳримизда дори-дармон, саноат ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган умумий қиймати 729 миллион 627 минг АҚШ долларилик 27 та лойиҳани босқичма-босқич рўёбга чиқариш ҳисобига 200 га яқин янги иш ўринларини яратишни режалаштирганмиз. 2013 йилда лойиҳага киритилган "Абсолют Бизнес Ҳамкор" масъулияти чекланган жамияти, "Қурама Восток" хусусий ва "Jo'rabek Laboratories" қўшма корхоналари сингари 7 та иқтисодий тармоқ иш бошлади. Натижада 30 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорларига мувофиқ ташқи инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда очилган турли хасталикларга қарши дори воситалари ишлаб чиқарувчи "Jo'rabek Laboratories" қўшма корхонаси шундай тармоқлардан бири. Корхона ўтган йили ўз маблағидан Германиядан турли хапдориларни тайёрлашда қўл келадиган замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатди. Қурилиш-монтаж ишларини битириб, 20 кишининг бандлигини таъминлади.

"Қурама Восток" хусусий корхонасида ҳам ишлар рисоладагидек. Ҳозир бу ерда корхона ва ташкилотларнинг буюртмасига мувофиқ махсус уст кийим ва ҳимоя воситалари тайёрланаяпти. Зарур техникаларни олиб келиб ўрнатишда маълум миқдорда ўзларининг маблағи ва давлат кредити қўл келди.

Шунингдек, бу йил 14, келгусида эса 6 та иқтисодий тармоқни ишга тушириб, 150 та янги иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз.

**Суҳбатни Бекзод ҲИДОЯТОВ ёзиб олди.**

Тадбиркорлик



# РАҲБАРНИНГ НИЯТИ ХОЛИС

**"Чирчиқ Expo Klean" корхонаси 2008 йилда ишга тушганидан буён эл хизматида. Аҳолининг кийим-кечаклари шу ерда қайта тузатилади, рўзғор жиҳозлари ювиб-тозаланиб, янги ҳолга келтирилади.**

Корхона раҳбари Илҳомжон Ҳамиджонов аввалги кредитларини вақтида тўлаб, "Миллий банк"дан яна 175 млн. сўм кредит олиб, хориж технологиясини сотиб олди. Ҳозир бу ерда олти киши иш билан банд. Яна қўшимча техник асбоблар харид қилиш, иш ўринларини кўпайтириш раҳбарнинг навбатдаги нияти.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Танлов давом этмоқда

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" IX Миллий мукофоти учун халқаро танловини ўтказмоқда.**



3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2013 йилнинг 31 мартидан 2014 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2014 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:**

*– муаллифнинг исм-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*

*– муаллифнинг турар-жойи, уй ва иш телефонлари;*

*– паспорт нусхаси.*

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2014 йил 2 майда – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида "Туркистон" саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

**Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**

**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. 3-қават, 30-, 35-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87. www.Journalist.uz.**

Миш-миш ва ҳақиқат

# ВАҲИМАНИНГ УМРИ ҚИСҚА

**Бир ой муқаддам вилоятда хунук миш-миш тарқалди. Эмишки, Олмалиқдаги кимёвий корхоналардан бирида жиддий авария юз бериб, бор заҳарли моддалар корхона ён-атрофидаги каналларга тўкилибди. Эмишки, заҳарланган сувдаги балиқлар ҳам, бу сувни истеъмол қилаётган чорва ҳам қирилиб кетаётганмиш. Талафотлар миқёси катта эканлигидан аҳоли таҳликада эмиш. Заҳарланиш даражаси ҳали-бери пасаймасмиш ва ҳоказо...**

Бу миш-мишлар замирида қанчалик ҳақиқат борлигини билиш учун Олмалиққа бордик. Шаҳарда тинчлик, осойишталик. Аҳоли узоқ қишдан кейин баҳорга чиқиб олганлигидан мамнун, ҳамма Наврўз тантаналаридан масрур. Маҳаллаларда байрам руҳи ҳукмрон. Қандайдир фожиадан дарак берувчи бирор хунук манзарадан асар ҳам йўқ. Хўш, унда юқоридаги гаплар қаердан чиқди? Сўраб-суриштиришга тушдик ва қуйидагиларни аниқладик.

Воқеа аслида мана бундай бўлган экан. Шу йил 21 февраль куни Олмалиқ шаҳридаги "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамиятининг олтингугурт кислотаси омборхонасида пайванд чоки ёрилиши натижасида 3,5 минг тонна кимёвий модда оқиб кетган. Унинг 540 тоннаси оқава сувлар орқали сизиб, корхонадан бир километр наридаги Гижген каналига оқувчи Таначи-Буқа ариғига тушган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида аварияни бартараф этишга вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси, давлат санитария-эпидемиология маркази ва соғлиқни сақлаш бошқармаси куч ва воситалари жалб қилинди. Каналлардаги сув таркиби таҳлили жараёнида оғир металлар салмоғи кескин кўпайгани, оқибатда бу балиқлар ва бошқа тирик жониворлар нобуд бўлишига сабаб бўлгани маълум бўлди. Аҳолига ўз вақтида тушунтирилгани, шунингдек, одамлар томонидан овланган 300 килограмм балиқнинг йўқ қилиниши боис, маҳаллий аҳоли саломатлигига путур етказилишининг олди олинди. Шу билан бирга мазкур манбалардан сув ичган 4 та ҳайвон ҳам нобуд бўлган. Ушбу факт юзасидан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамияти раҳбариятига 67 миллион сўмлик жарима солган.

Вилоят прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 208-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатиб, ўз вақтида аварияни чеклаш чораларини кўрмаган тегишли шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Сув ва тупроқнинг 24 февраль куни ўтказилган такрорий таҳлили уларда зарарли кимёвий унсурлар йўқлигини кўрсатди, дейишди бизга. Шаҳарда эса, юқорида таъкидлаганимиздек, тинчлик, осойишталик. Ҳеч ким ваҳима ва саросимада эмас. Аҳоли байрам кайфияти билан яшамоқда. Бор гап шу...

**Тўнғич БЕК.**

Огоҳлик

**Бугунги шиддатли замонда юртимизда, минтақамизда, бутун сайёрамизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, жаҳоннинг турли ҳудудларида бош кўтараётган миллатчилик, шовинизм каби хавфли иллатларга бефарқ бўлмаслик керак.**

# ШУКРОНА АЙТИБ ЯШАШИМИЗ КЕРАК

Миллий қадриятларимизни, азалий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, "оммавий маданият" хуружига қарши курашиш, шукроналик билан яшаш, ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, 900 миллион ёшлар тўйиб овқат емаяпти, 100 миллиондан ортиқ ўсмир мактабга қатнаш имкониятига эга эмас. Йигирмадан зиёд мамлакат аҳолисининг асосий қисми очликдан азият чекмоқда.

Бундай ташвишли маълумотлар билан танишганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда минглаб янги мактаб, лицей, коллеж, маданият ва спорт, мусиқа ва санъат кошоналари бунёд этилгани, коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлаш кафолатли йўлга қўйилгани каби ютуқларимиз хаёлдан кечади. Бугун юртдошларимиз очлик муаммосини енгиш эмас, балки тўғри овқатланиш орқали саломатликларини янада мустаҳкамлаш, кундан-кун ортаётган даромадлари эвазига замонавий уй-жой ва автомобилларга эга бўлишга интилишаётгани юртимизнинг буюк келажагига ишончимизни оширмоқда.

Табиийки, бундай ютуқлар аввало, юртдошларимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бошқача айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганимиз учун шукр қилиш баробарида, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни ёт кўзлардан, оммавий маданиятнинг салбий таъсири ҳамда террорчилик ва диний экстремизм хуружларидан асраш учун доим огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз лозим.

**Дилбар НУРМАТОВА,**
**Бўстонлиқ туманидаги "Рўзмат Дилшод" фермер хўжалиги раҳбари.**

# ҲАР БИР НЕЪМАТ ХАЛҚ БОЙЛИГИ

**Шу кунларда юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрибди. Шаҳару қишлоқларимизда яшариш, янгиланиш айёми кенг нишонланмоқда. Бу албатта халқимизнинг бирдамлигидан даракдир.**

Ана шундай фараҳбахш кунларимизнинг доимийлигини, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, албатта, ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун эса ҳар биримиздан яратилган имкониятларнинг қадрига етиш, берилган неъматлардан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Хусусан, энергия ресурсларидан тежамкорлик ва оқилона фойдаланиш, улардан келажак авлодларни ҳам баҳраманд қилиш бизнинг муқаддас бурчимиз.

Шу маънода "Ўздавнефтгазинспекция" Тошкент шаҳар бўлими фуқароларимиздан байрам кунларида ёқилғи-энергетика захираларидан оқилона ва эҳтиёткорлик билан фойдаланишларини, ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этишларини сўрайди. Чунки, бирозгина бефарқлик ва эътиборсизлик катта кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Ана шундай ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда соҳага оид ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик мақсадида "Ўздавнефтгазинспекция"нинг Тошкент шаҳар бўлими Ишонч телефонларини ташкил этди. Соҳага оид масалалар ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатлар хусусида 268-09-49 рақамига ёки инспекция жойлашган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, М. Улуғбек кўчаси, 32-А уйга мурожаат қилишингиз мумкин.

Бундан ташқари, инспекция томонидан ҳафтанинг жума куни кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар учун "Очиқ эшиклар куни" деб эълон қилинди.

Инспекция фаолиятига оид тўлиқ маълумотларни интернетдаги www.ngi701@yandex.com электрон почта манзили орқали ҳам билиб олишингиз мумкин.

**Баширилло САИТАЗИЗОВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" Тошкент шаҳар бўлими бош технологи.**

Эгрилик ҳамиша панд беради

# БЕФАРҚЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

**Жамиятимизда ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Уларнинг илм олиши, қобилиятларини ривожлантириши учун барча шароитлар яратиб берилган. Марҳамат: ўқи, излан, янгилик ярат. Оилангга, юртингга, элингга нафинг тегадиган бўлиб улғайсанг бас. Ватан равнақига, мустақил давлатимиз шуҳрати ошишига ҳисса қўша олсанг нур устига аъло бўлади. Аксарият йигит-қизларимиз яратилган бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз ютуқлари билан эл оғзига тушаётганидан фахрланамиз.**

Аммо, баъзан эгриликни ҳавас қилаётган, оиласига раҳмат ўрнига, лаънат келтираётган ёшлар ҳам учраб турадики, уларнинг ножўя хатти-ҳаракатларини эртароқ пайқаб, тезроқ тўғри йўлга солинмаса, кейинги ҳаётлари барбод бўлади.

...Толиб Ботировни (мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) синфдошлари бойвачча деб билишади. Доим чўнтаги тўла пул. Оғзи ҳам ботир, ҳамиша тўртта-бешта болани йиғиб олиб, мақтангани мақтанган. Шундай суҳбатларнинг бирида яна уйида "пуллар ачиб ётгани"ю ота-онасига билдирмай, уларни қандай ўзлаштириши ҳақида мақтана бошлади. Даврадагиларнинг "Уйингдагилар билиб қолса-чи?" деган саволига жавобан: "Ўлдиришади!" деди-ю, яна қўшиб қўйди: "Ҳеч қачон сезишмайди, уста бўлиб кетганман". Шу тариқа у пулларни биров пайқамайдиган қилиб олиши ҳақида гапириб бера бошлади. Синфдошларидан бири – Шокир Тўхтаев барча гапларини телефонига ёзиб олаётганидан у бехабар эди.

Икки кун ўтиб, Шокир Толибни четга тортди-да: "Уйдан пул ўғрилашинг ҳақидаги гапларинг телефонимга ёзилган. 200 минг сўм берсанг, ўчириб ташлайман, бўлмаса, ҳаммага тарқатиб юбораман" деб пўписа қилди. Қўрқиб кетган Толиб эртасигаёқ Шокирга сўраган пулини олиб келиб берди. Иш хамирдан қил суғургандек, осон кўчганини кўрган ёш товламачи телефонидаги ёзувларни ўчириб ташламади. Аксинча, вақт оралатиб, Толибга улар ҳамон мавжудлигини эслатиб, ҳар гал аввалгисидан кўпроқ пул келтириб беришини талаб қилаверди ва беш ой давомида жами уч ярим миллион сўм ундирди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ёш товламачи фаолиятига чек қўймаганда, бу ҳол яна қачонгача давом этиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин.

Бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Ҳар икки боланинг ота-оналари фарзандларининг юриш-туришини назоратда тутганларида, ўқитувчилар ўқувчилари хулқ-атворига эътиборлироқ бўлганларида, синфдошлар ҳам воқеага бефарқ қарамаганларида шу жиноий ҳаракатлар содир этилармиди? Йўқ, албатта. Лоқайдлик ва беписандлик бор жойда жиноят уруғи тез унади. Бундай мисоллар эса ҳаммамиз учун сабоқ бўлиши, сергак тортишимизга ундаши керак!

**Мадина АЛИКБЕРОВА,**
**Миробод тумани прокурори катта ёрдамчиси.**

ЭЪЛОНЛАР

## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 30 апрель куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Ҳамза тумани СИБ томонидан, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2013 йил 21 август кунги 1-533/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 Y 757 GA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 71 250 000 сўм. 2. 2013 йил 24 апрель кунги 1-189/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 M 220 EA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 43 265 850 сўм. 3. 2013 йил 5 сентябрь кунги 1-586/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 70 E 839 AA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 25 323 629 сўм. 4. 2013 йил 16 июнь кунги 1-399/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда и/ч., дав. бел. 01 U 379 HA бўлган "ДЭУ Рейсер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 18 050 000 сўм. 5. 2013 йил 19 август кунги 1-439/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1991 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 654 PA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 21 919 350 сўм. II. Мирobод туман СИБ томонидан, 2013 йил 25 ноябрь кунги 39356/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. "Достон" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. D 85 ESS бўлган "KOMATSU" русумли бульдозер. Бошланғич нархи – 395 614 000 сўм. 2. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, 4-насосний ЕСМС жарима майдончасида сақланаётган, 2000 йилда и/ч., дав. бел. 49-93 ЕЦ бўлган "HYUNDAY ROBEX 3200LG" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 95 601 500 сўм. 3. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, 4-насосли ЕСМС жарима майдончасида сақланаётган, 2002 йилда и/ч., дав. бел. 52-59 ЕЦ бўлган "HYUNDAY ROBEX 1300W" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 114 160 625 сўм. 4. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, 4-насосли ЕСМС жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 357 ЕСА бўлган "ISUZU SYS 51 K" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 113 395 575 сўм. 5. "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 024 FAA бўлган "ISUZU SYS 51 K" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 112 541 475 сўм. 6. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Қўнғирот ЖШХ, ЗМУК шахтаси жарима майдончасида сақланаётган, 1989 йилда и/ч., дав. бел. 01 355 ЕСА бўлган "МАЗ 5334" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 35 405 950 сўм. 7. "Достон" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 358 ЕСА бўлган "УАЗ 31548-0195" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 14 655 100 сўм. 8. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Қўнғирот ЖШХ, ЗМУК шахтаси жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 253 ЕАА бўлган "Камаз 53228" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 143 526 075 сўм. 9. "Достон" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 052 СВА бўлган "Шевролет Нива 212300-55 GLS" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 19 536 500 сўм.

2014 йил 15 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Ҳамза тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрь кунги 1-431/12 сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 30 N 79-77 бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 61 036 280 сўм. 2. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 C 909 BA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 66 192 800 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 M 157 GA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 64 059 770 сўм. 4. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 D 797 BA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 61 036 280 сўм. 5. 2012 йил 2 февраль кунги ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда и/ч., дав. бел. 01 C 479 KA бўлган "Эсперо" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 031 294 сўм. 6. 2013 йил 12 февраль кунги 1-11/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 G 898 LA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 40 114 432 сўм. 7. 2013 йил 1 февраль кунги 1-1009/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 01 W 569 KA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 13 986 065 сўм. 8. 2013 йил 8 февраль кунги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 30 R 5531 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 25 901 299 сўм. 9. 2012 йил 12 ноябрь кунги 1-431-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 30 520 RAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 68 064 337 сўм. 10. 2012 йил 19 январь кунги 1-438-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 Y 204 FA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 53 223 873 сўм. 11. 2012 йил 12 март кунги ижро варақага асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 M 002441 бўлган "ISUZU SAZ NP37" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 46 190 853 сўм. 12. 2012 йил 12 март кунги ижро варақага асосан хатланган, 1994 йилда и/ч., дав. бел. 01 C 521 CA бўлган "Мерседес Бенц 100Д" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 015 329 сўм. 13. 2013 йил 8 май кунги ижро варақага асосан хатланган, 1995 йилда и/ч., дав. бел. 01 M 277 JA бўлган "Газ 31029СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 5 783 792 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 3 август кунги ижро варақага асосан хатланган, Сергели туман СИБ ҳовлисида сақланаётган, 1998 йилда и/ч., дав. бел. 30 H 488 DA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 217 442,90 сўм. 2. 2013 йил 02 июль кунги 1-397/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман ИИБ ҳудудида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 160 GCA бўлган "HOWO" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 101 641 113,28 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

## РЕЕСТР № 19-03-22-05-ЎзР-10-2014
# ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР
## 2014 йил 1 апрелдан жорий этилади.
### Умумий кўрсатмалар

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир.

2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан ҳовли ва кўп қаватли уйларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситгич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.

4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган ҳовли ва кўп қаватли уйларда фойдаланилган газ учун тўловлар газ ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прейскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади.

5. Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.

6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.

7. Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.

Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43м$^3$/ киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажми учун эса бир ярим баробар миқдорида тўланади.

8. Автоном сув иситгич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ва оранжереяларни иситиш, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.

9. Ушбу прейскурантнинг "Умумий кўрсаткичлар"и, агар қўшимча прейскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прейскурантларга ҳам тегишлидир.

10. Ушбу чакана тарифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги илгари тасдиқлаган (2013 йил 16 сентябрь, реестр № 19-03-22-05-ЎзР-114-2013) нархлар ўрнига 2014 йил 1 апрелдан жорий этилади.

**1. Аҳоли томонидан фойдаланилган табиий газ учун тарифлар*)**

| Т/р | Кўрсаткич | Стандарт ёки ТУ | Ўлчов бирлиги | Ўлчов бирлиги тарифи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ | ГОСТ 5542-87 | 10м$^3$ | 1 652,40 |
| 1.2 | Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ: | | | |
| | овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун | -«- | 10м$^3$ | 2 857,65 |
| | Иситиш учун | -«- | 10м$^3$ | 1 325,25 |

**2. Газ ўлчагичлари йўқ ҳолатда коммунал-рўзғор эҳтиёжларига ишлатиладиган газ учун тарифлар (ГОСТ 5542-87)**

| Т/р | Истеъмолчи тавсифи | Ўлчов бирлиги | Тариф бўйича тўловлар: Йиллик*) | Тариф бўйича тўловлар: Ойлик |
|---|---|---|---|---|
| 2.1 | Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари | Бир яшовчидан 11,0м$^3$ | 37 721,40 | 3 143,45 |
| 2.2 | Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари | 15,0м$^3$ | 51 437,40 | 4 286,45 |
| 2.3 | Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситгичлар | 16м$^3$ | 54 867,00 | 4 572,25 |
| 2.4 | Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига: | Иситиладиган хонанинг 1м$^3$ учун | | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | Хонанинг 1м$^3$ учун 6,0м$^3$ | 3 975,75 | 795,15 |
| | Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда | Хонанинг 1м$^3$ учун 5,76м$^3$ | 3 816,75 | 763,35 |
| 2.5 | Дағал ва илдизмевали озуқаларни буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда молларга озуқа тайёрлаш | Отга 5,6м$^3$ | 19 203,60 | 1 600,30 |
| | | Сигирга 23,7м$^3$ | 81 271,20 | 6 772,60 |
| | | Қўй (эчки)га 2,2м$^3$ | 7 544,40 | 6 28,70 |
| | | Чўчқага 12,5м$^3$ | 42 864,60 | 3 572,05 |

*) *Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.*

**Реестр № 19-03-22-05-ЎзР-11-2014 улгуржи истеъмолчилар ҳамда иссиқлик таъминоти корхоналарига етказиб бериладиган табиий газнинг**

## УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ

**2014 йил 1 апрелдан жорий этилади**

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Улгуржи нархилар (ҚҚС билан сўмда) |
|---|---|---|
| Улгуржи истеъмолчиларга ҳамда иссиқлик таъминоти корхоналарига етказиб бериладиган табиий газ | 1000 куб.м | 165 240 |

**Эслатма:**
1. Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.
2. Улгуржи истеъмолчиларга табиий газнинг улгуржи нархи унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.
3. Мазкур реестрга амал қилина бошланиши билан 2013 йилнинг 16 сентябрдаги № 19-03-22-05-ЎзР-113-2013 реестри ўз кучини йўқотади.

## «SPARETRA» МЧЖда 2014 йил 20 февралдан 2014 йил 20 мартгача ўтган кимошди савдоси натижалари тўғрисида маълумот

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 03.03.2014 | Чиноз тумани СИБ | 1991 й. и/ч. "МТЗ-80Х", д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси | 9 000 000 | 9 600 000 |
| 13.03.2014 | Олмалиқ шаҳар СИБ | 2010 й. и/ч. Нексия, д/р. 10 U 234 FA бўлган автотранспорт воситаси | 25 000 000 | 26 050 000 |

**Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99871) 262-35-99.**

**"SPARETRA" МЧЖининг номи Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2014 йил 17 мартдаги 01-17/1283-сонли хатига асосан "NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ номига давлат рўйхатидан ўтказилди ва почта манзили Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уйга ўзгарганлиги ҳақида маълум қиламиз.**
**"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Зангиота тумани СИБ томонидан: 1. № 421/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "М-412" д.р. 10 O 160 AA. Бошланғич баҳоси – 822 661 сўм. 2. № 13935/10-сонли ижро ҳужжатига асосан "Газ-2410" д.р. 10 F 4630. Бошланғич баҳоси – 748 316 сўм. 3. № 7340/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. "Ваз-21011" д.р. 11 Y 0567. Бошланғич баҳоси – 1 440 732 сўм. 4. № 9006/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и.ч. "Газ-24" д.р. 10 T 1132. Бошланғич баҳоси – 691 325 сўм. 5. № 11709/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. "Ваз-2101" д.р. 11 U 1729. Бошланғич баҳоси – 600 788 сўм. 6. № 13655/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и.ч. "Газ-24" д.р. 11 J 4291. Бошланғич баҳоси – 476 494 сўм. 7. № 14203/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и.ч. "М-412" д.р. 11 I 1674. Бошланғич баҳоси – 352 056 сўм. 8. № 14925/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. и.ч. "Газ-24" д.р. 11 Z 0447. Бошланғич баҳоси – 397 207 сўм. 9. № 527/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1972 й. и.ч. "Газ-24" д.р. 30 A 6952. Бошланғич баҳоси – 580 513 сўм. 10. № 605/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1972 й. и.ч. "Газ-24" д.р. 11 Z 0137. Бошланғич баҳоси – 580 513 сўм. 11. № 11713/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1973 й. и.ч. "Ваз-2102" д.р. 11 Y 7240. Бошланғич баҳоси – 534337 сўм. 12. № 11709/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "М-412 ИЭ" д.р. 11 F 5332. Бошланғич баҳоси – 226 782 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 9 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99. Гувоҳнома № 004593.

## "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖда 2014 йил 20 февралдан 2014 йил 20 мартгача ўтган кимошди савдоси натижалари тўғрисида маълумот

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 28.02.2014 | Оҳангарон тумани СИБ | Оҳангарон тумани, Саноат ҳудудида жойлашган иссиқхона бино ва иншоотлари | 35 000 000 | 37 400 000 |
| 20.03.2014 | Олмалиқ шаҳар СИБ | Олмалиқ шаҳри, Примқулова кўчасида жойлашган кадастр ҳужжати бўйича литер рақами 0037-сонли савдо дўкони фундаменти | 1 965 385 | 2 150 000 |
| | | Олмалиқ шаҳри, Примқулова кўчасида жойлашган кадастр ҳужжати бўйича литер рақами 0038-сонли савдо дўкони фундаменти | 1 965 385 | 2 200 000 |
| | | Олмалиқ шаҳри, Примқулова кўчасида жойлашган кадастр ҳужжати бўйича литер рақами 0039-сонли савдо дўкони фундаменти | 1 965 385 | 2 150 000 |
| | | Олмалиқ шаҳри, Примқулова кўчасида жойлашган кадастр ҳужжати бўйича литер рақами 0040-сонли савдо дўкони фундаменти | 1 965 385 | 2 200 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99871) 262-35-99.

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453-сонли фармонига асосан микрофирмалар томонидан статистик ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ўзгартирилди, яъни 2013 йил 1 январдан бошлаб йилда бир маротаба ҳисоботлар тақдим этилиши белгиланди. Бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма ўрганишлар (кузатувлар) ўтказади.

Микрофирмаларда танланма кузатувлар – бу статистик кузатув бўлиб, статистика органлари томонидан микрофирмаларнинг бир қисмида ҳар чораклик сўровлар ўтказиш натижалари асосида, барча микрофирмалар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида хулосалар тайёрланади.

Микрофирманинг танланма кузатуви (МФК) сўровномасини тўлдириш бўйича методик қўлланма Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва 2013 йил 1 мартдан бошлаб кучга киритилган.

МФК сўровномасини тўлдирувчилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги "Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 439-сонли қарорига мувофиқ фаолият тури ва ўртача йиллик ишчилар сонига қараб танланади.

Классификацияга биноан микрофирмаларда ўртача ишчилар сони қуйидагича:

– саноат ва қурилиш соҳаларида – 20 кишигача;
– қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 20 кишигача;
– фан ва илмий тажриба соҳаларида – 10 кишигача;
– ноишлаб чиқариш соҳасида – 10 кишигача;
– хизмат кўрсатиш соҳасида – 10 кишигача;
– чакана савдода – 5 кишигача.

Микрофирманинг танланма кузатуви сўровномаси корхона раҳбари, етакчи менежери ёки бош ҳисобчиси томонидан статистика органи кўрсатган давр учун жорий йил бошидан бир марта тўлдирилади.

Жорий йил 1-чорагида кузатувга тушган микрофирмалар ўз жойидаги туман, шаҳар статистика бўлимига ҳисобот даври охирги ойининг, яъни 2014 йилнинг 30 март кунидан кечиктирмай "Микрофирманинг танланма кузатуви сўровномаси"ни электрон кўринишда тақдим этиши лозим.

2011 йилнинг 1 февралидан бошлаб, Давлат статистика қўмитаси расмий сайти (www.stat.uz)да электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни электрон кўринишда йиғиш тизими фаолият кўрсатмоқда. Бундай кўринишдаги давлат статистика ҳисоботларини интернет орқали жўнатиш тизимининг асосини eStat 2.0 дастурий таъминоти ташкил этади.

2014 йил 1-чорагида микрофирмалар фаолиятини ўрганиш учун танланган микрофирмалар рўйхатини вилоят статистика бошқармасининг расмий сайти (www.toshvil.stat.uz)дан олишингиз мумкин.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

Якка тартибдаги тадбиркор Нигманова Наргиза Тургуновнага тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Давлат педагогика институти томонидан Сулайманова Дилдора Бахтиёровна номига берилган № 083433 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сергели тумани тураржой бинолари ва кадастр хизмати томонидан 2010 йилда Равшанов Махмуд Раймович номига берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей томонидан 2013 йилда Сулейманов Махмуд Абдурахим ўғлига берилган L № 189820 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "BUSHRA QAMAR PLUS" (ИНН 205865315), зарегистрированное ИРСП хокимията Чиланзарского района г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Катартал, дом 60, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 25.03.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 937-04-67.

"FOTON PLAST GROUP" (ИНН 302699663) МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ҳамда бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"FOTON LOGISTIKA" (ИНН 302193431) МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "HAMKOR TEMIR SAVDO" (ИНН 302681900) сообщает о реорганизации в частное предприятия "HAMKOR TEMIR SAVDO". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. Ашрафий, дом 70.

ООО "MAXI FLOWER GROUP" (ИНН 301710531), зарегистрированное ИРСП хокимията Мирзо Улугбекского района г. Ташкента за реестр № 006014-04 от 04.10.2010 г., расположенное по адресу: проезд Корнок, дом 37, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ № 1 от 25.03.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "CALIPSO EXCLUSIVE" Юнусабадского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 5 000 000 сум до 2 600 000 сум.

ООО "EXTREME FITNES GYM" (ИНН 301757401, ОКОНХ 91700), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента за реестр № 004752-09 от 06.06.2012 г., расположенное по адресу: Шайхантахурский район, ул. Беруний, дом 30-А сообщает об уменьшении уставного фонда с 130 354 851 сум до 127 854 851 сум (на основании протокола учредителей ООО "EXTREME FITNES GYM" № 3 от 20.03.2014 г.).

Утерянный аттестат O'R-A № 215242, выданный в 1998 году школой № 110 Мирабадского района г. Ташкента на имя Таштемировой Наргизы Ташпулатовны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "VILLAGE FOOD" МЧЖнинг устав жамғармаси 2 630 213 460,46 сўмдан 2 132 124 706,18 сўмга камайишини маълум қилади.

Пискент тумани ТСРЎИ томонидан 14.01.2010 йилда 8/1229 реестр рақами билан рўйхатга олинган "OSIYO QURILISH JIHOZ" (ИНН 301441732) МЧЖга тегишли бўлган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Китоб жавонингизга

# ОШИҚ ШОИРНИНГ ЕТТИ БАХТИ

**Серқирра ижодкор Неъмат Ёқубовнинг "Муҳаббат – етти бахт" рукни остида жамланган янги ғазал ва шеърлар тўпламини варақлаганимда кўҳна тоғларнинг мафтункор булоқлари беихтиёр кўз олдимга келди. Муаллифнинг шу рукн остидаги тўртинчи китоби жўшқин қалб чашмаси, беғубор, покиза ҳис-туйғулар булоғи. "Жон", "Умр", "Она дийдори", "Вужудий қудрат" каби романлар изидан китобхонларга кетма-кет ғазал ва шеърлар тўпламларини тақдим этаётган мўътабар ижодкор қалби булоқдай қайнаб турган бўлса, не ажаб!**

"Етти муҳаббат"нинг янги, тўртинчи тўпламини оҳиста варақлайман, аввалгиларидаги ғазал ва шеърлар билан умумийлик, ўхшашлик жиҳатларини излайман. Уларда ишқ азобидан оҳ-воҳлар, нолиш, зорланишлар йўқ. Аксинча, ишқ завқи, ошиқлик бахти, ғурури, фахри-сурури мавжланиб туради. Севги қудрати, муҳаббат каромати мадҳ этилади. Кўзга кўринмас, аммо дилингизда доимо муҳайё ана шу мустаҳкам ришталар ғазаллар тўпламларини бир-бирига чамбарчас боғлаган.

Суҳбатлардан бирида ижодкордан сўрадим:

– Нега муҳаббатни етти бахт деб атадингиз, нимани назарда тутдингиз?

– Муҳаббатни етти эмас, етмиш бахт десак ҳам оз, – деди шоир. – Мен уни етти тизимга солиб, соддароқ изоҳлашга уриндим, холос.

Муҳаббатли кишилар ҳаётнинг асл борлиғидан завқ-шавқ олиб яшайдилар. Демак, биринчиси – завқ-шавқ, ҳаловат, роҳат бахти.

Иккинчиси, муҳаббат соҳиблари покиза ният, эзгу орзулар гадоси. Уларга араз, гина, ғазаб, жаҳл, ғийбат, ғурбат, ҳасад каби қусурлар тамоман бегона. Шу боис муҳаббатли инсонлар соғлом умр кўрадилар. Демак, бу – соғлиқ-саломатлик бахти. Улар хайр-саховат, эзгулик, ҳавас қучоғида яшашади. Шу боис муҳаббат соҳиблари тез қаримайдилар, узоқ ва хайрли умрга муяссардирлар. Яна бир муҳим жиҳати, соғлом, ақл-заковати баланд зурриёт кўриш бахти.

Шоир Неъмат Ёқубовнинг лирик қаҳрамони ғоят гўзал, жозибали, жисман, ахлоқан баркамол инсон. У замонамизнинг Фарҳоду Мажнуни, садоқатли Ширинию-Лайлоси. Эл-юртга хизмат қилиш иштиёқида яшаётган, эзгу ниятлар, бунёдкорлик, жўшқин




ижод билан банд инсонлар. Улар истиқлол самарасидан, ҳаёт завқидан ғоят бахтиёр.

Буюк ҳинд мутафаккири Рабиндранат Тагор шундай деган эди:

"Инсониятнинг қалбини бир ипга тизиб, уни бирлаштирадиган куч – Сўз қудратидир, у бадиий адабиётда мужассамдир. Чунки, адабиёт инсон қалби акс этган ойна. Бу ойнада инсон ўзини ўзи кўради, ўзини ўзи томоша қилади".

Дарҳақиқат, инсоннинг энг нозик туйғулари ҳосиласи бўлмиш адабиёт, хусусан шеърият – улуғ тарбиячи. Бадиий адабиёт – гўзал ҳаёт кўзгуси.

Файласуф олим Зафар Саидов Неъмат Ёқубовнинг "Муҳаббат – етти бахт" рукни билан чоп этилган ғазаллар тўпламининг учинчи китоби ҳақида фикр юритиб, "тўплам шеърият бўстонини янги "бир чаман" билан бойитади, ғазалхонларга ажойиб туҳфа бўлади" деганида мутлақо ҳақ эди. Қўлингиздаги тўртинчи китоб ҳам ғазалхонларга арзирли армуғон бўлиб, уларни гўзал муҳаббат оламига олиб кириши шубҳасиз.

**Эркин ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

---

Bolalik bog`i

## ATIRGUL

Bugun Layloning tug`ilgan kuni. Shodmon bobo qishloqdan shirmoy non, qand-qurs, mayiz, turshak va yana qog`ozga o`rog`lik bir tup atirgul ko`chati olib keldi. Laylo dugonalari bilan maza qilib choy ichishdi, she'rlar aytishdi, raqsga tushishdi.

Kechqurun Shodmon bobo hovli chekkasidan atirgul o`tqazish uchun joy tanladi. Anvar aka chuqur qazib, qum, o`g`it tashladi. Lobar paqirchasida suv keltirib, dadasiga yordamlashdi. Salqinda turgan ko`chatni ushlagan edi, barmog`iga tikan kirdi. O`zini yig`lab yuborishdan zo`rg`a to`xtatdi.

Shodmon ota ko`chat atrofiga uzun yog`ochlarni suqib, uchlarini birlashtirib qo`ydi.

– Nega bunday qilyapsiz, bobojon?

– Mol-hol tegishi mumkin. Sizlar ham qoqilib ketmanglar, dedim-da. Ko`chat yaproq yozgach, yog`ochlar olib tashlandi. Atirgul yoz-kuz bo`yi lovillab gulladi.

**Muhayyo TO`LAGANOVA.**

---

Ҳаёт сабоқлари

## МЎЪЖИЗА

...Хизмат сафарига кетаётгандим. Вокзалдаги кутиш хонасининг бир чеккасида қопчиғини қучоқлаб ўтирган малла сочли аёл эътиборимни тортди. Саломлашдим. Аёл суҳбатдош топилганидан хурсанд бўлиб, дилидагини тўкиб солди:

– Ўғлим Сергей ёшлигида жуда ёқимтой, мўмин-маъқул эди. Лекин ичишга берилди-ю, айниди. Бора-бора ҳар куни ичиб олиб, мендан пул сўрайдиган одат чиқарди. Оддий пенсионер бўлсам, ортиқча пулим йўқ. Охири шу даражага бордики, пул бермасам, калтакларди. Бир куни қўлида болта билан пайдо бўлди. "Агар пул топиб бермасанг, қўлингни чопаман" дейди. Йиғладим-сиқтадим, қани инсофга келса. Шунда ўғлим жаҳл устида қўлимга болта урди. Ҳушимдан кетиб қолибман. Ўғлим қамалиб кетди. Менинг қўлим эса...

Аёл шундай дея тўмтоқ бўлиб битиб қолган бармоқларини кўрсатди. Ундан қаерга кетаётганини сўрадим.

– Қаерга бўларди, ўғлимнинг олдига, қамоқхонага. Ахир, мендан бошқа ҳеч кими бўлмаса. Улбул олволдим. Иссиқ кийим, бироз егулик...

Ҳайратдан қотиб қолдим. Ёлғизи, кўзининг оқу қораси шунчалик зулм ўтказса-ю, она унинг ҳолидан хабар олгани қамоқхонага қатнаса... Бу нима, мўъжизами? Ҳа, "Она меҳри" аталмиш мўъжиза!

Ёдимда, маҳалламизда Лутфинисо ая яшарди. Уч ўғли бор, эри вафот этиб кетган. Бу оқила аёлга вақтида не-не кишилардан совчилар чиққанини онамиз яқин-яқингача айтиб юрардилар. Лекин Лутфинисо ая ўғилларини бегона эркакка муҳтож қилиб қўймади. Уларни ёлғиз ўзи оёққа турғазди.



Ҳозир бу аёл ўғилларию келинлари, набираларию чеваралари қуршовида азиз ва мўътабар.

– Оилада ёлғиз ўғил эдим, – дейди бир суҳбатдошим. – Институтнинг кечки бўлимида ўқирдим. У пайтларда Юнусобод томонларда транспорт қатнови яхши эмасди. Кундузи иш, кечқурун ўқиш. Уйга етиб келгунимча, соат 12 ларга яқинлашиб қоларди. Ҳар куни онам маҳалламиз зовуридаги мўъжазгина кўприкда кутиб олардилар. Бу менга эриш туюларди. Ахийри ичим қизиб, бу гапни онамга айтдим.

Шундан сўнг онам кўприкда эмас, пана-пастқам жойларда пойлайдиган бўлдилар. Мени узоқдан кўриб, уйга чопар, гўё ҳеч нима билмагандек, ҳовлимиз остонасида кутиб олардилар.

Ҳамон ёдимда... Ўқишни битиришим арафасида отам вафот этдилар. Уч опам турмушга чиқиб кетишди. Хизмат тақозоси билан тез-тез сафарга чиқиб турардим. Ҳар гал кетаётганимда ва қайтишимда онажоним йўлакда мунғайибгина кузатиб қолиб, кутиб олардилар. Орадан кўп ўтмай уйландим. Болалик ҳам бўлдим. Бир куни ишдан келсам, хотиним:

– Ойимларнинг мазалари бўлмаяпти, – деб қолди.

Кирдим, алангаи-оташ бўлиб ётибдилар. Шу алпозда ҳам:

– Ёмғирда ивиб кетибсан, ўғлим, дарров ечин, шамоллаб қоласан, – дедилар.

Шу кунниёқ касалхонага ётқиздим. Эртасига эрталаб қисқа муддатга хизмат сафарига жўнаб кетдим. Қайтишим билан уйга ҳам кирмай, касалхонага югурдим. Инсон кўнгли кўп нарсани сезарканда: чамаси бир соатлар илгари онамларнинг жонлари узилган экан...

Мана, орадан қирқ йилдан зиёд вақт ўтибди. Ҳалигача онамнинг елкаларига рўмолларини ташлаб, мени ишга кузатаётганлари кўз олдимдан кетмайди. Онамнинг сўнгги нафасларида тепаларида бўлмаганим, охирги сўзларини эшитолмай қолганим бир умрлик армонга айланди...

Суҳбатдошимга ачиндим. Тўғри-да, армон билан яшаш оғир.

...Яқинда шифохонада бир воқеанинг устидан чиқдим. 35 ёшлар чамасидаги бир аёл онасини врачга кўрсатиш учун олиб келган экан. Врач бемор билан суҳбатлашиб, қаери безовта қилаётганини сўради. Она эндигина оғиз очганида қизи:

– Жудаям нозиксиз-да ойи, қаричиликда, олма билан ўрик бўлармидингиз буёғига, – дея онасининг оғзига урди. Онанинг гапи бўғзида қолди.

Шунда врач:

– Синглим, сиз ҳам яқинда шу онангизнинг ёшига етасиз. Ахир юз ёшга етса ҳам она-ку. Қани энди менинг волидам ҳаёт бўлганларида, – деди кўзига ёш олиб.

Аёлнинг боши эгилди...

**Неъмат РАФИҚОВ.**

---

Кўргазма

## СУРАТЛАРДА БАҲОРИЙ МАНЗАРАЛАР

**Тошкент Фотосуратлар уйида Ўсмон Ҳосилнинг 90 дан ортиқ фотоасарларидан иборат "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" номли шахсий фотокўргазмаси ташкил этилди.**

Кўргазмага қўйилган фотолавҳаларда азалий байрамимиз - Наврўз руҳи, юртимизнинг кўркам боғлари, ям-яшил кенг далалари, тоғ ён-бағирлари, лолазорлар, ўйин билан машғул қувноқ болалар, миллий либослардаги хотин-қизлар чеҳралари, халқимиз байрамлари, қадимий ўйинларимиз, этник маданиятимиз акс этган.

Экспозициядан муаллифнинг "Паҳлавонлар кўпдир бу элда", "Кекса полвон", "Кекса раққоса", "Улоқ. Кўпкари", "Наврўзолди оқсоқоллар кенгаши", "Наврўз келди сени сўроқлаб", "Юз биринчи баҳор", "Сумалак майса", "Наврўз нигоҳи", "Чойхона", "Фориш", "Чирчиқбоши", "Хумсон" ва бошқа қатор фотолавҳалар ўрин олган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

---

Рассом хандаси



*Шерик тушликка кетганда...*

cartoon.kulichki.com

---




### БОИНГ ҲАМОН ҚИДИРИЛМОҚДА

**Хитой ҳамда Япония самолёт ва кемалари ҳалокатга учраган Боинг-777 ни излаш ҳаракатига қўшилди, деб ёзади Би-би-си агентлиги.**

Маълумки, Малайзиянинг ушбу самолёти бундан икки ҳафталар бурун Куала-Лумпурдан Пекин сари парвоз қилиб, орадан бирон соат ўтмай, бедарак йўқолган эди. Самолётнинг ҳам, унинг бортидаги 239 кишининг қисмати ҳам ҳанузгача номаълум.

Тахмин қилинишича, Боинг-777 Ҳинд уммонининг жанубий қисмида ҳалокатга учраган бўлиши мумкин. Энди ўнта самолёт шу ҳудудда Боингнинг қолдиқларини қидириш билан шуғулланади. Кутиляптики, ушбу ҳудудда об-ҳаво ёмонлашиб бориши мумкин. Бу эса қидирув ишларини анча қийинлаштиради, албатта.




### ВАШИНГТОНДА ЕР КЎЧКИСИ



**Би-би-си агентлигининг хабар беришича, Американинг Вашингтон штатида юз берган ер кўчкиси жойида қутқарувчилар тўртинчи қурбоннинг жасадини топишди.**

Кўчки оқибатида 18 киши бедарак йўқолди. Снохомиш округида юз берган кўчки 2,5 квадрат километр майдонни эгаллаб, 30 га яқин уйларни вайрон қилди. Бир неча киши, шу жумладан, чақалоқ ҳам жиддий жароҳат олди. Ҳозир уларга шифохонада тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

### ЯҚИН ҚАРИНДОШИ ЎЛДИРИЛДИ

**Суриянинг Туркия билан чегарадош вилоятидаги ҳарбий ҳаракатлар жараёнида мамлакат президенти Башар Асаднинг яқин қариндоши Ҳилол Асад ўлдирилди.**

Reuters агентлиги Сурия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳамда давлат оммавий ахборот воситалари хабарларига таяниб ёзишича, Ҳилол Асад ва унинг отрядидаги етти жангчи "Фронт ал-Нусра" ислом ҳаракати жангарилари билан қуролли тўқнашув пайтида ҳалок бўлишди. Ҳилол Асад ўз оиласи яшаётган ҳудудда "Миллий мудофаа кучлари"ни бошқараётган эди.



### ЧИЛИДА ЯНА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА



**Американинг Миллий геология хизмати тарқатган хабарда Чили мамлакати соҳилларида яна 6,1 магнитуда куч билан зилзила юз бергани маълум қилинди.**

Зилзила ўчоғи 6 километр ер қаърида жойлашган. Маркази эса Тарапака музофотидан 97 километр шимоли-шарқдаги Икике шаҳри соҳилларида экан. Бу яқин вақт ичида юз берган иккинчи кучли ер силкинишидир. Шу йил 17 март куни 6,7 магнитуда куч билан содир бўлган зилзила оқибатидаги цунами таҳдидидан сақланиш мақсадида 100 мингдан зиёд кишини эвакуация қилишга тўғри келганди.

### ВЕНЕСУЭЛАДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛАЯПТИ

**Венесуэла бош прокурори Луиза Ортега оммавий норозилик акциялари чоғида инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилган ҳоллар тергов қилинишини айтди, деб ёзади Би-би-си агентлиги.**

Мамлакатда Николас Мадуро ҳукуматига қарши оммавий норозилик акциялари бир ярим ойдан буён давом этмоқда. Бош прокурорнинг фикрича, хавфсизлик кучларининг айрим ходимлари ўз ваколатларини ошириб юбориб, инсон ҳуқуқларини поймол қилмоқдалар. Тергов олиб бориш жараёнида 15 полициячи ҳибсга олинди.

Амалдаги ҳукуматга қарши норозилик акциялари умуман олганда, осойишта кечмоқда. Бироқ, айрим майда гуруҳлар полиция ҳамда Миллий гвардия қўшинлари билан тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлмоқдалар. Оқибатда шу кунгача камида 30 киши қурбон бўлди.



### ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД



**Би-би-си агентлиги юзлаб талабалар Тайванд ҳукумати биносига бостириб кирганлари ҳақида хабар тарқатди.**

Агентликнинг изоҳ беришича, талабалар Хитой билан тузилаётган савдо шартномаларига қарши чиқмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу битим икки мамлакатни бир-бирига яқинлаштириши мумкин. Агар бу битимга имзо чекилса, Хитой Тайвандга янада фаолроқ тазйиқ ўтказишни бошлайди, дея чўчишмоқда талабалар.

Шаҳар мэри талабаларни хотиржамликка чақирди ҳамда ҳукумат биноларини қўриқлашни кучайтириш ҳақида фармойиш берди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

---

Жиноятга жазо муқаррар

# БОЛАФУРУШ ОПА-СИНГИЛЛАР

**Ўзбекнинг болажонлиги, фарзанди келажаги учун бор-будини аямаслиги бошқа миллатларда кам учрайдиган ноёб хислатдир. Аммо, афсуски, ўзбек номига номуносиб ҳолда ўз зурриётидан воз кечиб, билиб-билмай жиноят содир этиб, бошқа хунрезликларга йўл очиб бераётганлар ҳам йўқ эмас.**

Жиззахлик Феруза Бўтаева ота-она тарбиясими ёхуд ён-атрофидагиларнинг таъсирими, ҳар ҳолда норасмий фарзандни дунёга келтирди. Бироқ уни вояга етказиш, оналик вазифасини бажаришни истамади. Аксинча, фарзанди туғилиши биланоқ уни йўқ қилиш пайига тушди. Сир очилмасиданоқ болани даф қилиш, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ёпиғлиқ қозоннинг қопқоғини очмасликка қарор қилди. Бу эса Назира Абдуллаева, Назокат Ҳасанова, Толлибой Худоёров каби шахсий манфаат учун керак бўлса отасини ҳам сотиб юборишдан тоймайдиган кимсалар учун қўл келди.

Сирдарёлик опа-сингиллар Назира ва Назокат енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтадиганлар хилидан асли. Нима қилсаки, осон пул топса, тўкин ҳаёт кечирса. Улар бунинг учун бола савдоси каби разил жиноят йўлини танлашди. Дўстлик тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлим мудири Толлибой Худоёровни ўзларига ишончли шерик қилиб, Феруза Бўтаева қолдириб кетган норасида қизалоқни ҳеч қандай хат-ҳужжат, гувоҳларсиз 400 АҚШ долларига сотиб олишди. Бу икки юлғич аллақачон чақалоқ учун харидор ҳам топиб қўйишганди. Чирчиқлик Ирода Турсунбоева ва Жаҳонгир Тўрабоев болани сотиб олмоқчи бўлишган эди. Яхшики, улар этакларини вақтида ёпишга улгуришди. Акс ҳолда жиноятга шерик сифатида жавобгарликка тортилишлари ҳеч гап эмасди.

Харидорлар Назира ва Назокатнинг хатти-ҳаракатларидан шубҳага тушишди. Шу боис Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, болафурушлар уларга 10 миллион сўм эвазига чақалоқ сотмоқчи бўлаётганларини маълум қилишди. Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорлигидаги тезкор тадбирда опа-сингиллар чақалоқни мўмай пулга сотаётганларида далилий ашё билан қўлга олинди.



Тергов ва суриштирув жараёнида болафурушлар ўзларини оқлаш учун нималарни важ қилиб кўрсатмадилар дейсиз. Моддий етишмовчилигу қийинчиликларни обдон рўкач қилишди. Бироқ бу баҳоналар уларнинг разилона қилмишини оқлашга асос бўлолмади. Чунки, қонунларимизда аниқ-тиниқ қилиб белгилаб қўйилганки, одам савдоси – қабиҳ жиноятдир.

Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди Чирчиқ шаҳар суди биносида ўтказган мажлисида ушбу жиноий ишни атрофлича кўриб чиқди. Судланувчиларга қилмишларига яраша маълум муддатдан қамоқ жазоси тайинланди. Улар шу муддат ичида фарзанд неъматининг нақадар улуғлигини, уни бирор қиймат билан баҳолаб бўлмаслигини зора тушуниб етсалар.

**Карим МИРХОЛИҚОВ.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-56-03, 233-65-59. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9496. Адади 18758. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.20.